

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.53.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ  
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**РАФИЕВА ФЕРУЗА УМИДУЛЛОЕВНА**

***G.MUSTELINUM* MIERS EX WATT ТУРИНИНГ БОШҚА  
ПОЛИПЛОИД ҒЎЗА ТУРЛАРИ БИЛАН ФИЛОГЕНЕТИК  
МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ЯНГИ  
ДОНОРЛАР ОЛИШ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract  
of doctor of philosophy (PhD)**

**Рафиева Феруза Умидуллоевна**

*G.mustelinum* Miers ex Watt турининг бошқа полиплоид ғўза турлари билан филогенетик муносабатларини ўрганиш асосида янги донорлар олиш ..... 5

**Рафиева Феруза Умидуллоевна**

Создание новых доноров на основе изучения филогенетических связей вида *G.mustelinum* Miers ex Watt с другими полиплоидными видами хлопчатника..... 21

**Rafiyeva Feruza Umidulloyevna**

Developing of the new donors on the base of study of phylogenetic relationships of species *G.mustelinum* Miers ex Watt with other polyploid species..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.В.53.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ  
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**РАФИЕВА ФЕРУЗА УМИДУЛЛОЕВНА**

***G.MUSTELINUM* MIERS EX WATT ТУРИНИНГ БОШҚА  
ПОЛИПЛОИД ҒЎЗА ТУРЛАРИ БИЛАН ФИЛОГЕНЕТИК  
МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ЯНГИ  
ДОНОРЛАР ОЛИШ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.(PhD)/В35 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ризаева Сафия Мамедовна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибрагимов Паридун Шукурович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Султонов Амаджон Саидкаримович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд қишлоқ хўжалик институти**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz)).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Тел.: (+998-71)-264-23-90.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги (\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Нариманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, к/х.ф.д.

**С.М.Набиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**М.Ф.Абзалов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига жавоб бера оладиган, серҳосил, тола сифати юқори, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли ғўза навларини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда навдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ғўзанинг дунёвий генофондидаги ёввойи ва ярим ёввойи турлар потенциалидан маҳсулдор янги навлар яратилишида самарали фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Ҳозирги даврда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратишда *Gossypium* L. туркумининг филогенияси ва эволюциясини асослаш, *Magnibracteolata* Tod. секциясига мансуб тур ва шаклларни қимматли хўжалик белгиларини баҳолаш, ғўзанинг ёввойи ва ярим ёввойи турларининг генетик имкониятларидан самарали фойдаланиш, уларни генетика ва селекция амалиётига жалб этишни тақозо этмоқда. Бу ўринда, *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб полиморф ғўза турларининг қимматли хўжалик белги ва хусусиятларини маданий турлар геномига ўтказиш асосида ғўза навларининг турли хил касалликларга, зараркунандаларга, қурғоқчилик ва совуққа чидамлилиги, ҳосилдорлиги, тола чиқими ва сифатини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айтиш жоизки, *G.mustelinum* Miers ex Watt тури қимматли хўжалик белги ва хусусиятларга эга бўлиб, толасининг пишиқ ва ипаксимон майинлиги, таркибида терпеноид ва альдегид каби моддаларнинг кўплиги туфайли сўрувчи ҳашаротлар (*Aphis gossypii* Glov., *Tetrahychic urticae*) ва бошқа стресс омилларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, *G.mustelinum* Miers ex Watt турининг бошқа полиплоид ғўза турлари туричи хилма-хилликлари вакиллари билан филогенетик муносабатларини аниқлаш ва шу асосда ёввойи турлардаги қимматли хўжалик белгиларини маданий навларга ўтказиш орқали янги ирсий асосга эга трансгрессив рекомбинантларни яратиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач пахтачилик соҳасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида ғўзанинг ҳосилдор ва тола сифати яхшиланган янги навларини яратиш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Шу билан бирга, ғўзанинг турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли ҳамда толасининг юқори сифат кўрсаткичларига эга навлар яратилишида *G.mustelinum* Miers ex Watt турининг селекциявий салоҳиятидан фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, *G.mustelinum*

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Miers ex Watt турининг полиплоид ғўза турлари ва туричи хилма-хилликлари вакиллари билан филогенетик муносабатларини аниқлаш, морфобиологик ва хўжалик белги ҳамда хусусиятларини асослаш, янги ғўза навларини яратишда бошланғич манба сифатида фойдаланишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-П-сон «Селекция ютуқлари тўғрисида» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари» тўғрисидаги қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» фундаментал устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Gossypium* L. туркумининг филогения ва эволюцияси масалаларини хорижий олимлардан J.F.Wendel et al. (2015) ўрганганлар, бу туркумининг энг сўнгги классификацияси Р.А.Фрихелл (1992) томонидан тузилган, D.R.Dejoodie et al. (1992) *G.mustelinum* Miers ex Watt тури ва бошқа полиплоид турлар - *G.tomentosum* Nutt ex Seem., *G.darwinii* Watt ҳамда *G.hirsutum* L. турининг ёввойи ва рудерал шакллари кун узунлигига таъсирчанлигини тадқиқ қилганлар. Шунингдек, В.В.Гардуния (2006) *G.mustelinum* Miers ex Watt туридан ғўзанинг генетик хилма-хилликларини яратишда фойдаланган ва бу турнинг қимматли белгиларини элита навларига ўтказиш жараёнида тола узунлиги, тола чиқими ва битта кўсакдаги пахта вазни белгиларининг ирсийланиш даражаси юқорилигини аниқлаган. МДХ мамлакатларида *Gossypium* L. туркумининг филогенияси, систематикаси ва эволюциясини ўрганиш бўйича изланишлар Г.С.Зайцев (1928), Ф.М.Мауер (1954) ва П.Валичек (1979) томонидан олиб борилган.

Мамлакатимизда Ф.Джаникулов (2002) томонидан *G.mustelinum* Miers ex Watt турини  $^{60}\text{Co}$  ёрдамида  $\gamma$ -нурлантириш,  $^{32}\text{P}$  радиоактив моддасидан фойдаланиб,  $\beta$ -нурлантириш усуллари ҳамда паст частотали электромагнит майдони воситасида 200 га яқин мутант тизмалар олинган. З.Буриев (2016) томонидан *MIC-3* генларини ғўза геномидаги таркиби, тузилиши, хромосомалардаги ўрни, аллотетраплоид турлар, жумладан *G.mustelinum* Miers ex Watt тури ва уларнинг ажодларига яқин бўлган диплоид турлар геномларидаги дубликация механизмлари ва молекуляр эволюцияланиш кўлами аниқланган.

*G.mustelinum* Miers ex Watt турининг полиплоид тур ва туричи хилма-хилликлари вакиллари билан филогенетик муносабатларини аниқлаш ва шу

асосда янги ноёб генетик имкониятга эга бўлган донорлар олиш, уларнинг қимматли хўжалик белгиларига баҳо бериш ва селекциядаги имкониятларини излаш масалалари ўрганилмаган. Шу муносабат билан, *G.mustelinum* Miers ex Watt турининг *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб бошқа полиплоид турлари ва туричи хилма-хилликлари вакиллари билан филогенетик қариндошлик даражасини аниқлаш,  $F_1$ ,  $F_2$  ва  $F_1B_1$  турлараро дурагайларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиш характерини ҳамда улар орасидаги ўзаро боғлиқлигини аниқлаш асосида донорлик хусусиятига эга қимматли трансгрессив манбаларни ажратиб олиш борасидаги тадқиқотлар олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т024 «*Gossypium* L. туркумининг полиморф турларининг туричи ва турлараро биохилма-хилликларининг филогенетик қариндошлик даражаси» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2012-2016) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *G.mustelinum* Miers ex Watt турининг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари туричи хилма-хилликлари вакиллари ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан ўзаро филогенетик муносабатларини аниқлаш, турлараро дурагайлаш асосида янги ирсий асосга эга донорлар олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*G.mustelinum* Miers ex Watt турининг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари туричи хилма-хилликлари вакиллари ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан турлараро дурагайланиш даражасини аниқлаш;

турлараро  $F_1$  дурагайлари ва уларнинг ота-оналик шакллари гулларидаги чанг доначалари ҳаётчанлиги ва кўсакларда тўлиқ уруғлар тугилиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

*G.mustelinum* Miers ex Watt турининг *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб бошқа полиплоид турлар ва туричи хилма-хилликлари вакиллари билан филогенетик қариндошлик даражасини аниқлаш ва схемасини ишлаб чиқиш;

$F_1$  ва  $F_1B_1$  турлараро дурагайларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиш характери ва ўзаро коррелятив боғлиқлик даражасини ўрганиш;

турлараро  $F_2$  турлараро дурагайларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш ва қимматли манбалар ажратиб олиш.

**Тадқиқот объекти** *Gossypium* L. туркумининг *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб полиплоид турлар: ёввойи *G.mustelinum* Miers ex Watt ва *G.darwinii* Watt турлари; *G.hirsutum* L. туричи хилма-хилликлари вакиллари: ёввойи (ssp. *mexicanum* var. *nervosum*), ярим ёввойи (ssp. *punctatum* ва ssp. *purpurascens* var. *el-salvador* (West India)), маданий тропик (ssp. *paniculatum*

ва ssp. *glabrum* var. *marie galante* (Mexico Ahaco Anonta)), маданий тропик (ssp. *euhiirsutum* («Беш-қахрамон» нави)); *G. barbadense* L. тури туричи хилма-хилликлари вакиллари: ярим ёввойи (ssp. *ruderale* f. *pisco* ва f. *parnat*), маданий тропик (ssp. *vitifolium* f. *brasiliense* (қизил пояли)), маданий тропик (ssp. *eubarbadense* («Сурхон-9» нави)) шаклларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқот предмети** *G. mustelinum* Miers ex Watt турининг *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб бошқа полиплоид ғўза турлари билан филогенетик муносабатлари ва турлараро дурагайларида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро узвий бо-ликликларининг таҳлиллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг услублари.** Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, турларо дурагайлаш ва қиёсий морфология услублари, фенологик кузатувлар ҳамда генетик-статистика таҳлилларининг замонавий усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

*G. mustelinum* Miers ex Watt турини *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб бошқа полиплоид турлар - *G. hiirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турлари ва уларнинг туричи хилма-хилликлари вакиллари ҳамда *G. darwinii* Watt тури билан филогенетик муносабатлари аниқланган ва уларнинг янги филогенетик схемаси ишлаб чиқилган;

*G. mustelinum* Miers ex Watt турининг *G. hiirsutum* L. турига мансуб маданий-тропик (ssp. *glabrum* var. *marie-galante*) шаклига филогенетик қариндошлик жиҳатидан яқинлиги исботланган;

*G. mustelinum* Miers ex Watt турини дурагайлашда оналик шакл сифатида фойдаланилганда кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиш даражасининг паст бўлиши унинг эндемиклиги ва эволюция жараёнида четдан чангланиши чегараланган тур эканлиги билан боғлиқлиги очиб берилган;

турлараро F<sub>1</sub> дурагайларида тола узунлиги қисман доминантлик, ўсув даври давомийлиги, тола чиқими, битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни салбий ва ижобий доминантлик ҳолатида ирсийланиши аниқланган;

F<sub>2</sub> ва F<sub>1</sub>V<sub>1</sub> дурагайларида тола чиқими, битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни бўйича ижобий трансгрессия ҳолати аниқланган;

*G. mustelinum* Miers ex Watt турининг маданий тропик ssp. *euhiirsutum* («Бешқахрамон» нави) шакли иштирокидаги турлараро F<sub>1</sub> дурагайларида кун узунлигига талабчанлик белгиси бўйича навнинг ижобий доминантлиги очиб берилган;

F<sub>2</sub> дурагайларида кун узунлигига талабчанлик белгиси полимер генларнинг нокумулятив таъсирида 15:1 нисбатда ирсийланиши ва бу белгининг намоён бўлиши *G. mustelinum* Miers ex Watt турида рецессив, маданий навда эса доминант генлар таъсири остида назорат қилиниши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган *G. mustelinum* Miers ex Watt турининг *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб бошқа полиплоид турлар ва туричи хилма-хилликлари

вакиллари билан филогенетик қариндошлик даражасининг янги схемаси *Gossypim* L. туркумининг тетраплоид тур ва туричи хилма-хилликлари даражасидаги мавжуд классификациясини такомиллаштириш имконини берган;

*G.mustelinum* Miers ex Watt тури ва *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб бошқа полиплоид турларнинг туричи ёввойи, ярим ёввойи, маданий тропик ва маданий субтропик шакллари вакиллари ва уларнинг турлараро дурагайларининг морфобиологик ва қимматли хўжалик белги ва хусусиятларини баҳолаш асосида уларнинг селекциявий потенциалдан фойдаланилган;

морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда коррелятив ўзаро муносабатлари асосида аниқланган қонуниятлар селекциявий аҳамиятга эга қимматли трансгрессив шакллар ажратиб олиш имконини берган;

тадқиқот доирасида ажратиб олинган янги ирсий асосга эга қимматли трансгрессив шакллар толасининг чиқими ва узунлиги юқори ҳамда IV типга мансуб, касаллик ва зараркунандаларга чидамли тизма ва навларни яратиш бўйича олиб борилган генетика-селекция дастурларида фойдали белгилар манбаи сифатида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларда қўлланилган усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро илмий анжуманлардаги муҳокамаси ва етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг замонавий генетик-статистик таҳлили билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G.mustelinum* Miers ex Watt турининг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларининг туричи хилма-хилликлари вакиллари ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан ўзаро филогенетик муносабатлари мақсадли тадқиқ этилганлиги, тадқиқот натижаларининг комплекс таҳлил этилганлиги, морфобиологик ва қимматли хўжалик белгилари генетик-селекциявий баҳоланганлиги, *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб полиплоид ғўза турлари ва туричи хилма-хилликлари вакиллариининг филогенетик схемаси тузилганлиги, янги трансгрессив шаклларида қимматли хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлик ва ирсийланиш характерлари ҳамда ўзаро коррелятив боғлиқлик даражаси очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика пахтачилиги ишлаб чиқаришининг замонавий талабларига жавоб бера оладиган, янги генетик асосга эга ғўза навларини яратишда турлараро дурагайлаш усулларини қўллаш, ғўзанинг ёввойи, ярим ёввойи шакл ва турларини дурагайлаш ишларига жалб қилиш асосида олинган янги трансгрессив рекомбинант шаклларни генетика-селекция изланишларида дастлабки манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги амалий исботланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *G.mustelinum* Miers ex Watt турининг *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб бошқа полиплоид турлар ва туричи хилма-хилликлари вакиллари билан филогенетик муносабатларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

*G.mustelinum* Miers ex Watt турининг *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб бошқа полиплоид турлар ва туричи хилма-хилликлари вакиллари билан филогенетик муносабатларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар «Қурғоқчилик шароитларида ноанъанавий ўғитлардан фойдаланган ҳолда техник экинларнинг етиштириш технологияларини такомиллаштириш» мавзусидаги лойиҳада маданий навларнинг генотипларини бойитиш ва ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик стресс омилларига чидамли янги барқарор ғўза линиялари ва навларини яратиш мақсадларида фойдаланилган (Россия Федерацияси Қишлоқ хўжалик вазирлиги Илмий-технологик сиёсат ва таълим Департаментининг 2017 йил 30 октябрдаги 3442/07-01-рақамли маълумотномаси). Илмий натижалар «ПГССХ-1», «ПГССХ-7», «Восток» (ВК)-11» дурагай шакллари ва «Л-396 б7», «Л-214», «Л-501», «МЛ-114» тизмаларининг морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик характерини аниқлаш имконини берган;

ноёб трансгрессив рекомбинант шакллар ФА-А8-Т019-рақамли «Ўзанинг янги адаптив, қимматли хўжалик белгиларини ўзида мужассам этган, тезпишарлик, ҳосилдорлик ва тола сифати устуворлигида навлар яратиш ва кўпайтириш, конкурс нав синовини ўтказиш» мавзусидаги лойиҳада тола чиқими ва узунлиги юқори ҳамда IV типга мансуб тизма ва навлар олишда бошланғич манбалар сифатида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2017 йил 31 октябрдаги 4/1255-2298-сон маълумотномаси). Илмий натижалар янги синтетик генотиплар мажмуаси билан бойитилган ғўза тизмаларини яратиш имконини берган;

*G.mustelinum* Miers ex Watt турининг бошқа полиплоид турлар ва туричи хилма-хилликлари билан ўзаро филогенетик муносабатларини белгиловчи схема асосида ҳамда турлараро дурагайлаш натижасида олинган трансгрессив шакллар республика «Ўза генофонди» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2017 йил 31 октябрдаги 4/1255-2297-сон маълумотномаси). Ушбу ноёб шакллар ғўзанинг дунёвий генофондини бойитиш ҳамда ғўза турлари ва уларнинг туричи хилма-хилликлари бўйича электрон базасини шакллантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та

мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Gossypium* L. туркуми *Karpas* Raf. кенжа туркуми вакиллари эволюцияси, филогенияси ва систематикасини ўрганиш тарихи, турлараро дурагайлашнинг ғўза генетикаси ва селекциясида тутган ўрни» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусининг мақсад ва вазифалари юзасидан маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар шарҳи келтирилган, хусусан *Gossypium* L. туркуми ва *Karpas* Raf. кенжа туркуми вакиллари келиб чиқиши, тарқалиши ва эволюцион ривожланиш тарихи, классификациясини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар батафсил таҳлил қилинган. Ғўза генофондидаги ёввойи *G.mustelinum* туридан цитологик, генетик ва селекцион тадқиқотларда тола пишиқлиги, сўрувчи зараркунандаларга чидамлик каби ижобий генлар мажмуасига эга шакл сифатида фойдаланишга, *G.hirsutum* ва *G.barbadense* турлари туричи хилма-хилликлари ҳамда *G.darwinii* тури билан филогенетик муносабатларини ўрганиш асосида қатор қимматли хўжалик белгиларига эга рекомбинантларни ажратиш олишга эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «**Тажриба манбалари, ўтказиш услублари ва шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида изланишларда фойдаланган тадқиқот материали, услублари ва шароитлари баён қилинган. ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ғўза систематикаси ва интродукцияси лабораториясида сақланаётган дунёвий ғўза генофондининг *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб тетраплоид турлар хилма-хилликлари тадқиқот материали бўлиб хизмат қилган. Изланишларда турлараро ва бекросс дурагайлаш усуллари билан фойдаланилган. F<sub>1</sub> ва F<sub>2</sub> дурагайларининг чанг доначаларининг ҳаётчанлиги ацетокармин услуги (З.Паушева, 1988) асосида аниқланган. F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub>, F<sub>1</sub>V<sub>1</sub> ва уларнинг ота-оналик шакллариининг морфобиологик белгиларига қиёсий морфология услуги ва *Gossypium* L. туркуми классификатори (Н.Лемешев, 1989) асосида тавсиф берилган. F<sub>1</sub> дурагайларда белгилар бўйича доминантлик даражаси (*hp*) G.M.Beil, R.E.Atkins (1965), F<sub>2</sub> дурагайларда белгиларнинг авлодга берилиш

коэффициенти ( $h^2$ ) S.N.Warner (1959) формулалари асосида аниқланган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) услублари бўйича олиб борилган.

Диссертациянинг «*G.mustelinum* Miers ex Watt турининг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. туричи хилма-хилликлари вакиллари ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан ўзаро дурагайланиши, чанг ҳаётчанлиги, морфобиологик ва хўжалик белгиларининг тавсифи» деб номланган учинчи бобида *G.mustelinum* турининг *Karpas* Raf. кенжа туркумига мансуб бошқа полиплоид турлар ва туричи хилма-хилликлари билан ўзаро дурагайланиш даражаси таҳлил этилган,  $F_1$  ва  $F_2$  дурагайлари ва уларнинг ота-оналик шаклларида чанг доначаларининг ҳаётчанлиги ва ҳосил структураси кўрсаткичларининг тавсифи ҳамда  $F_1$  дурагайларида асосий морфобиологик белгиларининг ирсийланиш характери бўйича маълумотлар келтирилган.


Иزلанишларда 400 дан зиёд турлараро дурагайлаш ишлари олиб борилиб, 22 та турлараро  $F_1$  дурагай комбинациялари олинди.  $F_0$  дурагай кўсакларда тўлиқ уруғлар тугилиш даражаси аниқланди. *G.mustelinum* тури оналик шакли сифатида иштирок этганда дурагайланиш даражаси юқори, оталик шаклида эса нисбатан паст кўрсаткич қайд этилди. Лекин,  $F_1$  дурагай кўсакда тўлиқ уруғлар тугилиши *G.mustelinum* тури оналик шакли сифатида иштирок этганда паст, оталик шакли сифатида иштирок этганда эса юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Бундай ҳолат *G.mustelinum* турини оналик шакли сифатида фойдаланилганда унинг эндемик тур сифатида тор ареалга эга бўлганлиги туфайли четдан чангланиши чегараланган нисбатан қадимий тур эканлигидан далолат беради. Кўсакда тўлиқ уруғ тугилиш даражаси бўйича *ssp. glabrum var. marie-galante* x *G.mustelinum* комбинацияси энг юқори (87,2%) кўрсаткичга эга эканлиги *G.mustelinum* тури *G.hirsutum ssp. glabrum var. marie-galante* шаклига филогенетик жихатидан яқин эканлигини кўрсатади (1-жадвал).

Турлараро дурагайлашда чанг доначаларининг ҳаётчанлиги даражаси кўсакда тўлиқ уруғлар тугилишига катта таъсир кўрсатади. Чанг доначаларининг сифати ва ҳаётчанлиги дурагай авлодларининг бепуштлиги ва маҳсулдорлигини аниқловчи энг муҳим омиллардан бири эканлиги адабиётларда [Абдуллаев, Лазарева, 1970; 1974; Аманов, 2012] ҳам таъкидлаб ўтилган. Шунга кўра,  $F_1$  ва  $F_2$  дурагайлари ва уларнинг ота-оналик шаклларида чанг доначалари ҳаётчанлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Натижаларга кўра, *G.mustelinum* тури ва *G.hirsutum* ва *G.barbadense* турлари туричи хилма-хилликларида ҳамда *G.darwinii* турида чанг доначалари ҳаётчанлиги белгиси юқори кўрсаткичларга (90,5-99,1%) эга бўлди. Бунда чанг доначалари ҳаётчанлиги бўйича энг юқори кўрсаткич *G.hirsutum* турининг маданий тропик *ssp. euhirsutum* («Бешқаҳрамон» нави) шаклида (99,1%) бўлиб, ўзгарувчанлик амплитудаси 94,4-100,0% ва вариация коэффициенти 1,7% эканлиги кузатилиб, нисбатан паст кўрсаткич *G.darwinii* турида (90,5%, ўзгарувчанлик амплитудаси 81,1-100,0% ва вариация коэффициенти 8,0% қайд этилган.

*G.mustelinum* Miers ex Watt турининг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари вакиллари ҳамда *G.darwinii* Watt тури билан ўзаро дурагайланиши ва F<sub>0</sub> дурагай кўсакларда тўлиқ уруғлар тугилиши

Дурагай комбинациялари	Дурагайлар сони, дона	Кўсаклар сони, дона	Тугилган кўсаклар, %	Тўлиқ уруғлар тугилиши, %			
				$\bar{x} \pm S\bar{x}$	limit	S	V%
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.hirsutum</i> ssp. <i>mexicanum</i> var. <i>nervosum</i>	19	12	63,1	46,4 ± 6,5	31,2-83,3	20,8	44,8
<i>G.hirsutum</i> ssp. <i>mexicanum</i> var. <i>nervosum</i> x <i>G.mustelinum</i>	27	21	77,7	71,7 ± 5,2	28,6-100	16,6	23,2
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.hirsutum</i> ssp. <i>punctatum</i>	8	3	37,5	61,9 ± 2,4	54,5-70,0	7,7	12,5
<i>G.hirsutum</i> ssp. <i>punctatum</i> x <i>G.mustelinum</i>	19	5	26,3	75,8 ± 3,7	65,0-93,7	11,8	15,6
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.hirsutum</i> ssp. <i>purpurascens</i> var. <i>el-salvador</i>	7	6	85,7	59,8 ± 4,4	41,3-82,1	14,1	23,6
<i>G.hirsutum</i> ssp. <i>purpurascens</i> var. <i>el-salvador</i> x <i>G.mustelinum</i>	26	12	46,2	76,0 ± 7,6	35,7-100,0	24,2	31,9
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.hirsutum</i> ssp. <i>paniculatum</i>	21	14	66,7	58,0 ± 4,6	19,0-79,0	14,8	25,5
<i>G.hirsutum</i> ssp. <i>paniculatum</i> x <i>G.mustelinum</i>	27	10	37,0	67,3 ± 9,4	17,2-96,5	29,7	44,1
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.hirsutum</i> ssp. <i>glabrum</i> var. <i>marie-galante</i>	6	3	50,0	54,2 ± 10,3	16,7-75,0	32,5	60,0
<i>G.hirsutum</i> ssp. <i>glabrum</i> var. <i>marie-galante</i> x <i>G.mustelinum</i>	19	8	42,1	87,2 ± 2,3	71,4-95,2	7,2	8,3
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.hirsutum</i> ssp. <i>euhiirsutum</i> («Бешкахрамон»)	7	5	71,4	46,5 ± 5,6	17,2-62,1	17,9	38,5
<i>G.hirsutum</i> ssp. <i>euhiirsutum</i> («Бешкахрамон») x <i>G.mustelinum</i>	25	7	28,0	57,4 ± 6,3	20,5-76,9	20,1	35,1
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.barbadense</i> ssp. <i>runderale</i> f. <i>parnat</i>	10	6	60,0	56,5 ± 6,4	34,5-88,8	20,3	36,0
<i>G.barbadense</i> ssp. <i>runderale</i> f. <i>parnat</i> x <i>G.mustelinum</i>	22	16	72,7	63,5 ± 3,6	47,8-84,2	11,4	17,9
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.barbadense</i> ssp. <i>runderale</i> f. <i>pisco</i>	10	3	30,0	47,8 ± 1,8	41,7-53,6	5,9	12,4
<i>G.barbadense</i> ssp. <i>runderale</i> f. <i>pisco</i> x <i>G.mustelinum</i>	29	14	48,3	55,8 ± 6,1	23,5-84,2	19,4	34,8
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.barbadense</i> ssp. <i>vitifolium</i> f. <i>brasiliense</i>	19	10	52,6	43,6 ± 5,1	18,5-68,7	16,2	37,3
<i>G.barbadense</i> ssp. <i>vitifolium</i> f. <i>brasiliense</i> x <i>G.mustelinum</i>	20	9	45,0	82,1 ± 3,9	52,3-90,5	12,4	15,1
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.barbadense</i> ssp. <i>eubarbadense</i> («Сурхон-9»)	8	8	100,0	57,7 ± 3,2	45,2-75,0	10,3	17,8
<i>G.barbadense</i> ssp. <i>eubarbadense</i> («Сурхон-9») x <i>G.mustelinum</i>	21	9	42,9	58,2 ± 3,8	38,9-70,8	12,1	20,8
<i>G.mustelinum</i> x <i>G.darwinii</i>	16	8	50,0	42,7 ± 4,8	17,6-60,0	15,2	35,8
<i>G.darwinii</i> x <i>G.mustelinum</i>	15	7	46,7	60,2 ± 4,5	29,4-72,2	14,3	23,7

Турлараро  $F_1$  ва  $F_2$  дурагайларида чанг доначалари ҳаётчанлиги юқори (мос равишда 88,9-99,8% ва 90,0-98,2%) кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди (1-расм).



**1-расм. Турлараро  $F_1$  дурагайларида чанг доначалари ҳаётчанлиги, %**

Чанг доначаларнинг ҳаётчанлиги кўрсаткичларининг юқори бўлишига қарамасдан,  $F_1$  дурагайлари ва уларнинг ота-оналик шаклларида кўсакдаги тўлиқ уруғлар тугилиш даражасининг нисбатан паст эканлиги кузатилди. Кўсакдаги тўлиқ уруғлар тугилиши бўйича кенг доирадаги ўзгарувчанлик *G. hirsutum* (69,6-89,4%) ва *G. barbadense* (57,2-83,1%) турлари туричи хилма-хилликлари ҳамда *G. darwinii* тури (65,5%) вакилларида қайд этилди. Турлараро *G. mustelinum* x *G. hirsutum*, *G. mustelinum* x *G. barbadense* ва *G. mustelinum* x *G. darwinii*  $F_1$  дурагайларида кўсакларда тўлиқ уруғлар тугилиши мувофиқ равишда 40,1-85,9%, 51,4-71,8% ва 63,4-71,9% ни ташкил этди. Кўсакларда тўлиқ уруғлар тугилиши, яъни  $F_1$  дурагайлари ва уларнинг ота-оналик шакллари ҳосилдорлиги фақат чанг доначалари ҳаётчанлигига эмас, балки ташқи муҳит омилларига (ҳарорат, намлик ва бошқалар), микро- ва макроспорогенез жараёнларидаги айрим бузилишлар билан ҳамда оналик цитоплазмасининг таъсирига ҳам боғлиқ эканлиги билан таъкидланади.

Диссертациянинг «Турлараро  $F_2$  дурагайларида айрим морфобиологик белгиларнинг ирсийланиши» деб номланган тўртинчи бобида ғўзанинг айрим морфобиологик белгиларининг ирсийланиши бўйича тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.


«Кун узунлигига талабчанлик» ёки фотопериодик таъсирчанлик белгисининг эволюцияси «эртапишарлик» белгиси эволюцияси каби ғўза экинининг тропик минтақалардан, табиий ёруғ кунларига нисбатан узун бўлган шимолий кенгликларга силжиши билан боғлиқдир. Таъкидлаш керакки, аксарият ёввойи турларга фотопериодизм реакциясига талабчанлик, моноподиал шохланиш типи ҳамда рангли толага эга эканлик хосдир. Тадқиқотларда *G. mustelinum* тури *G. hirsutum* турининг маданий тропик ssp.

*euirsutum* («Бешқахрамон» нави) шакли билан дурагайлаш асосида олинган дурагайларининг фотопериодизм реакциясининг ирсийланиши ўрганилган. *G.mustelinum* тури кун узунлигига талабчан бўлиб, узун кун шароитида биринчи ҳосил шохи 23-28 бўғинда, сунъий қисқа кун шароитида 9-11 бўғинда ҳосил бўлади. Бу шаклларнинг реципрок  $F_1$  дурагайлари узун кун шароитида эркин шоналаб, гуллаб, ҳосил туғишини кўрсатган.  $F_2$  дурагайларида эса бу белги узун кун шароитида кенг доирадаги ўзгарувчанликни намоён этди.  $F_2$  («Бешқахрамон» х *G.mustelinum*) комбинациясида 190 та ўсимликдан 176 таси ( $hs = 4-15$ гача) узун кунга нейтрал, 14 таси ( $hs = 16-20$  ва ундан юқори) кун узунлигига талабчан ўсимликларга ажралиши қайд этилди. Реципрок  $F_2$  (*G.mustelinum* х «Бешқахрамон») комбинациясида эса 184 та ўсимликдан 175 таси кун узунлигига нейтрал, 9 таси фотопериодизм реакциясига талабчан ўсимликлар эканлиги ( $\chi^2 = 0,5, 0,80 < P < 0,95$ ) аниқланган. Ўрганилган белгининг 15:1 нисбатда ирсийланиши унинг полимер генларнинг нокумулятив таъсирида бошқарилишини намоён этади. Бунда кун узунлигига талабчанлик адабиётларда қайд этилганидек [Симонгулян, Мухамедханов, 1980] учта рецессив генлар ( $ph_1, ph_2, ph_3$ ) билан, кун узунлигига нейтраллик реакцияси эса иккита доминант генлар ( $Ph_1, Ph_2$ ) ва битта рецессив ( $ph_3$ ) ген томонидан бошқарилиши аниқланган.

Дурагай ўсимликларда «шохлалиш типи» белгиси генетик таҳлил қилинди. *G.mustelinum* тури моноподиал, *G.hirsutum* турининг маданий тропик ssp. *euirsutum* («Бешқахрамон» нави) шакли симподиал шохлалиш типига эга. Уларнинг  $F_1$  реципрок комбинацияларида симподиал шохлалиш типи кузатилган.  $F_2$  («Бешқахрамон» х *G.mustelinum*) комбинациясида ўрганилган 190 та ўсимликдан 186 тасида (97,9%) симподиал шохлалиш типи, 4 тасида (2,1%) моноподиал шохлалиш типи кузатилди. Бу комбинация ўсимликларида шохлалиш типининг ирсийланиши 15:1 ( $\chi^2 = 1,39, 0,20 < P < 0,50$ ) нисбатда тенг кечганлиги аниқланган. Ўрганилган комбинация ўсимликларининг 15 қисми симподиал шохлалиш типига, 1 қисми эса моноподиал шохлалиш типига эга эканлигини ва белги полимер генларнинг нокумулятив таъсирида ирсийланиши қайд этилган.

Толанинг сифатини белгиловчи хўжалик белгилари (тола узунлиги, тола типи) билан бир қаторда, тола ранги ҳам муҳим белгилардан бири ҳисобланади. Дурагайларда «тола ранги» белгисининг ирсийланиши тўлиқ таҳлил қилинган. Тажрибадаги ота-оналик шакл ёввойи *G.mustelinum* тури новвотранг толали, *G.hirsutum* турининг маданий тропик ssp. *euirsutum* («Бешқахрамон» нави) шакли эса оқ толали бўлган. Турлараро  $F_1$  дурагайларининг барча реципрок комбинацияларида тола оралик, яъни оч новвотрангда эканлиги қайд этилди.  $F_2$  («Бешқахрамон» х *G.mustelinum*) комбинациясида ўрганилган 190 та ўсимликдан 53 таси (27,9%) оқ рангли, 102 таси (53,7%) оч новвотранг, 35 таси (18,4%) новвотранг толлага эга эканлиги кузатилди. Белги бўйича ирсийланиш 1:2:1 ( $\chi^2 = 0,28, 0,80 < P < 0,95$ ) назарий кутилаётган нисбатга яқин бўлди. Олинган маълумотлар

асосида тола рангининг моноген тарзда тўлиқсиз доминант, яъни оралик ҳолатда ирсийланиши аниқланди (2-расм).



**2-расм. F<sub>2</sub> («Бешқахрамон» x *G. mustelinum*) комбинациясида «тола ранги» белгисининг ирсийланиши**

Диссертациянинг «Турлараро F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub> ва F<sub>1</sub>V<sub>1</sub> дурагайларида қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва ўзаро боғлиқлиги» деб номланган бешинчи бобида олинган турлараро дурагайларнинг қимматли хўжалик белги ва хусусиятларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, авлодларга берилиши ва ўзаро боғлиқлиги натижалари келтирилган.

«Ўсув даври давомийлиги» белгиси бўйича *G. mustelinum*, *G. hirsutum* ва *G. barbadense* турлари иштирокидаги турлараро F<sub>1</sub> ва F<sub>2</sub> дурагайларида эртапишар шакллар учрамаганлиги ва уларни маданий навлар билан ва беккросс дурагайлаш натижасида олиш мумкинлигини кўрсатди. Таъкидлаш жоизки, рудерал шакл *ssp. punctatum* иштирокидаги F<sub>2</sub> дурагайларидан тезпишар тизма ва навлар яратишда бошланғич манба сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Турлараро F<sub>1</sub> дурагайларда тезпишарлик белгиси оралик, ижобий ва салбий гетерозисли ўта доминантлик ва тўлиқсиз доминантлик тарзида ирсийланиши аниқланган. F<sub>2</sub> (*ssp. punctatum* x *G. mustelinum*) комбинациясидан тезпишар (105,0-110,0 кун) ва белгининг авлодга берилиш коэффициенти юқори ( $h^2 = 0,90$ ) кўрсаткичга эга бўлган трансгрессив шакллар ажратиб олинган.

*G. hirsutum* турининг туричи вакилларида тола узунлиги 25,5-34,3 см оралиғида бўлиб, рудерал шакллар- *ssp. punctatum* (33,8 ± 0,8 мм) ва *ssp. paniculatum* (31,6 ± 0,6 мм) ҳамда маданий тропик шакл -«Бешқахрамон» навида (34,3 ± 0,4 мм) нисбатан юқори, ёввойи *ssp. mexicanum* var. *nervosum* шаклида эса паст кўрсаткичлар (25,5 ± 0,3 мм) қайд қилинган. Юқори кўрсаткичлар рудерал *ssp. purpurascens* var. *el-salvador* (33,9 ± 0,7 мм) ва

